**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти молия-иқтисод ишлари бўйича проректори-комиссия раиси**

**____________С.Ф. Маматов**

**«______»_________2022 й.**

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

**Қарши - 2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома**
**2. Техник кисм**
**3. Нархлар қисми**

## 1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома

1. Танлов предмети Қарши шаҳри Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қуёш энергияси асосида ишлайдиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қуритиш курилмасини жорий этиш ишлари.

1.2. Танлов қиймати 82 573 900 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмида келтирилган.

Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

1.5. Махсулотни олиб келиш муддати – аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Карши шахар Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Карши шахар, Мустакиллик кўчаси, 225 уй

2.2. Танлов "Буюрмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
2.3. Танлов Карши шахар Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.
3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқати ва ваколатлар;
- Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Низом маблағлар миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4.Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб талаб этилади:

- Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:
- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);.

4.5. Танлов иштирокчиси:
-фақат битта таклиф бериши мумкин;
-тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## 5.Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир.
7.1 . Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига узгартириш киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар кириҭилган санадан эьтиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эьлонда курсатилган ахборот ўзайтирилган булса, танлов ўтказиш тўгрисидаги эьлонга ўзгатишлар киритилади.
7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эьлонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эьтиборан икки иш кунига давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.
7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аьзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эьтиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эьлон қилинади.
7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишига хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.
7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.